

**Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 28 февраль кундаги
жума тезисига қўшимча ИЛОВА**

Хурматли жамоат! Маълумки, айна пайтда Юртимизда Рамазон ойини кўтаринки руҳ ва яхши кайфият билан ўтказиш ва масжидларимизда тарових намозларини тинч ва хотиржам адо этишимиз учун барча шароитлар ва тайёргарликлар кўрилмоқда. Хусусан, Юртбошимиз томонидан Рамазон ойини кўтаринки кайфиятда ўтказиш, ибодатларни эмин-эркин адо этиш учун алоҳида қарор эълон қилиниб, барча мутасадди ташкилотларни ушбу қарорнинг ижроси учун сафарбар қилинмоқда. Шундай экан, яратилган ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, кўплаб эзгу ва савобли ишларни бажариб, бу муборак ой олдидан ҳар биримиз яна бир қарра уй-жой ва масжидларимиз озодалигига эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, тарових намозига келишда яқин атрофда турадиганлар имкон борича уловсиз, пиёда келсак, ҳар бир қадамимизга Аллоҳ таоло улкан ажру савобларни битади, инша Аллоҳ. Баъзилар зарур бўлмасда тарових намозига уловда келиб, масжид ҳудудида автоуловлар кўпайиши сабаб бўлиб, намозхонларга бир қанча қийинчилик ва ноқулайликларни келтириб чиқариш ҳолатлари юзага келади.

Тарових намози йилда бир марта, яъни Рамазон ойида ўқиладиган энг файзли ва ғанимат ибодат. Мўмин-мусулмонлар бунини йил бўйи интиқлик ила кутадилар. Шу боис, бу амални роҳат ва завқу шавқ билан адо этиш учун барча чорани кўришимиз керак. Айниқса, ҳар йили масжидга келган жуда ёш ва мурғак болаларнинг **шовкин-сурони намозхонларнинг хушусини бузиб, фикру зикрини чалғитади.** Шунинг учун намозхонларимиздан балоғатга етмаган болаларни таровех намозларига олиб келмасликларини илтимос қиламиз.

Шунингдек, таровех намози кечки вақтда бошланиши, тун пайтига яқин тугаши ва издиҳомлар (тиқилинч) бўлишини инобатга олиб, **ёш болалар таровех намозларида қаровсиз қолиши, азият чекиши ҳамда эртаси кунги илм олиш учун мактабга боришда қийинчиликлар туғилишини ҳам онгли равишда тушуниб етайлик!**

Таъкидлаш жоизки, ифторлик дастурхонларини дабдаба ва кимўзарга айлантириб юбормаслик керак. Чунки риё аралашган жойда амалнинг савоби кетиб, гуноҳга айланиб қолади. Шунинг учун ифторликларни мўътадил қилиш ва кўпроқ эътиборни иқтисодий қийналган оилаларга қаратиш керак. Ифторга кела олмайдиган, уйда ўтириб қолган қариялар, ногиронлар ва бева-бечораларни ҳам таом ва озиқ овқатлар билан йўқлаб туриш айна муддао бўлади.

Халқнинг эҳтиёжидан фойдаланиб, маҳсулотлар нархини сунъий ошириб фойда кўраман, дейиш — молни ножоиз йўл билан топишнинг яна бир кўриниши саналади. Шунинг учун ҳам шариатимиз халқ оммасининг эҳтиёжи кўпроқ тушадиган нарсалар, хусусан, озиқ-овқатнинг ихтикори (монополияси)ни кескин қоралаган.

Аллоҳ таоло бу йилги Рамазони шарифда ҳам кўплаб хайр-баракаларини ёғдирсин! Бу муборак ойнинг шарофатидан юртимиз тинчлик-хотиржамлиги, халқимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқинлигини зиёда айласин! Барчамизнинг гуноҳларимизни кечириб, яхшиликда пешқадамлар сафида қилсин! Омин!

